
ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН "ОЧИҚ АДЛИЯ" ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 6 ОЙЛИК ИШЛАР САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

"Очиқ адлия" дастури доирасида Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан 2022 йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Матбуот анжуманида босма ва электрон ОАВ вакиллари, журналист, блогер, веб-сайт админлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва вилоятдаги бошқарма, ташкилот ва муассасаларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари катнашдилар.

Анжуман аввалида ОАВ вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари билан биргаликда Фарғона туманига пресс-тур уюштирилди. Гап шундаки, айти кунларда туман адлия бўлими, ФХДЁ, давлат хизматлари маркази ҳамда юридик марказлар фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида бир бинода жойлаштирилмоқда. Фарғона тумани адлия бўлимида фуқароларга яратилган имкониятлар ва шароитлар ҳақида жамоатчилик вакилларига тушунтиришлар берилди.

Қайта реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган вилоят адлия бошқармаси биносида пресс-тур давом этди. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилар бинода ходимлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Матбуот анжуманида Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Севара Ўринбоева иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-10 19:42:46